

## ЗАМОНАВИЙ ШЕЪРИЯТ ТАЛҚИНЛАРИ

Дехқонова Махсума

ФДУ адабиётшунослик кафедраси  
катта ўқитувчиси (PhD)

**Аннотация:** Ўзбек адабиётида шеърий жанрларнинг хилма-хиллиги, мавзу кўламининг кенглиги адабиётшуносларининг изланишларига ва тадқиқот олиб боришлари учун имконият яратган. Мақолада танқидчи Матёқуб Қўшжоновнинг 80-90-йиллар шеъриятига муносабати таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ўзбек шеърияти, 80-90-йиллар шеърияти, таҳлил, талқин, муаммо

**Annotation:** In Uzbek literature, the variety of poetic genres, the breadth of the topic created an opportunity for literary scholars to search and conduct research. The article analyzes the reaction of the critic Matyakub Koshjanov to the poetry of the 80s and 90s.

**Keywords:** Uzbek poetry, poetry of the 80s and 90s, analysis, interpretation, problem

**Аннотация:** В узбекской литературе разнообразие поэтических жанров, широта темы создали возможность литературоведам для поиска и проведения исследований. В статье анализируется реакция критика Матьякуба Кошянова на поэзию 80-90-х годов.

**Ключевые слова:** Узбекская поэзия, поэзия 80-90-х годов, анализ, интерпретация, проблема

Ўзбек адабиётида шеърий жанрларнинг хилма-хиллиги қадимдан мавжуд. Шу маънода қайси йилларда ижод қилинмасин шеъриятда мавзу кўлами кенглигича қолади. Шоир шеърга қалб изтироблари ёки қувончини тўқади, ёки давр сиёсатидан келиб чиқиб муҳит тасвирига эрк беради. Шеърни китобхонга тушунтирувчи танқид ҳам юқоридаги шоирнинг икки йўлидан бирини танлайди. Ё ҳақиқий шеърнинг асл мағзини очиб беради, ё шеърдаги ҳар бир сатрдан даврга оид нимадир топиб таҳлил этади. Адабиёт қанчалик инсоншунослик фани эканини исботламасин, уни сиёсий тузум тизгинида юришга мажбур этувчилар топилади. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи ҳам бундан мустасно эмас. XX асрнинг 80-йилларига келиб шеъриятда ҳам, танқидчиликда ҳам қатор ўзгаришлар вужудга келди. Адабиётшунослар лирикани чуқур таҳлил этиб, шоирнинг, шеърнинг қийматига баҳо бера бошлади. Шунга қарамай шеъриятдан ижтимоий-сиёсий янгилик излаш таҳлилда яққол кўзга ташланар эди. “80-йилларнинг ўрталарида “ошкоралик” “қайта қуриш” жараёнлари бошланиши билан жамият сиёсийлашди: сиёсат ҳақида ўйламаган, гапирмаган, ёзмаган одам қолмади ҳисоб. Бу, албатта, ўзини “қайта қуриш”га чоғлаган жамиятнинг маънавий-руҳий эҳтиёжлари билан боғлиқ эди. Аслида, “қайта қуриш” дегани социализм ғояси ва улкан империяни сақлаб қолиш йўлидаги бир уриниш, сиёсий тадбир бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Лекин нима бўлганда ҳам, буткул бошқа мақсадларда тақдим этилган сўз эркинлиги мустабид тузум илдизига урилган болта бўлди. Ва

албатта, ўта ижтимоийлашган ва ошкор публицистиклик касб этган шеърят ўша болта билан нақ ўқ томирни мўлжалга олди. Бунгача шоирларимиз бўғзида қолиб келган ҳақиқатнинг ярмиси ҳам энди шеърларга шиддат-ла қуйилди. Ўзбек халқининг мустамлака шароитидаги фожеали ҳаёти, мустабид сиёсат оқибатлари давр шеърятининг етакчи мавзусига айланди”<sup>1</sup>. Улуғбек Ҳамдам таъкидлаганидек, 80-йиллардан бошлаб шеърятда, умуман, адабиётда ўзгаришлар даври бўлди. Шоир ва ёзувчилар қисман эркин ижод қила бошлади. Шунга қарамай, ҳали ҳам сиёсий босим куткусидан чиқа олмаслик ва тенденцияга айланган социологик метод унсурлари ижодкорлар ва танқидчилар ишларида кўзга ташланар эди.

Шу йилларда академик Наим Каримовнинг “Ҳамид Олимжон”<sup>2</sup> номли монографияси нашрдан чиқди. Ҳамид Олимжоннинг 70 йиллигига бағишланган ушбу китобда шоирнинг ибратли ҳаёт йўли ва шеърятини, шу билан бирга дostonлари ҳам таҳлилга тортилган. Аҳамиятли томони шундаки, олим шоирнинг шеъри қачон ва қаерда ёзилган, унинг ёзилишига кимлар ва нималар туртки бўлгани каби масалаларни чуқур ёритиб берган. Ҳар бир шеърининг ёзилиш тарихини алоҳида ўрганган. Умуман олганда, тадқиқот биографик метод асосида таҳлил қилинган. “Ҳамид Олимжон мартнинг сўнгги кунларида меҳмондўст Қозоғистон билан хайрлашди. Тошкент уни баҳорнинг ёқимли офтоби, севимли Зулфиянинг илиқ табассуми, ям-яшил кўча-куйлардаги дарахтларнинг маржон гуллари билан кутиб олди.....30 март куни шоир уйининг деразасидан ўрик гуллари бўлиб навбаҳор кўринган эди. Ҳамид Олимжон лирикасининг энг латиф намунаси – “Ўрик гуллаганда” шеъри шу куни туғилди ва баҳорнинг ана шу ажиб мўъжизасидан об-ҳаёт олди....*Новдаларни безаб гунчалар, Тонгда айтди ҳаёт отини. Ва Шаббода қургур илк саҳар, Олиб кетди гулнинг тотини*”<sup>3</sup>. Таҳлилда лирик қаҳрамон ўрик гулларини чор-атрофга сочаётганидан, менинг бахтим ҳам шундай чок бўлмасмикан, дея ҳавотирлангани айтилади.

Бизнингча, лирик қаҳрамоннинг қалби бахтга, севинчга тўла. У табиат мўъжизаларидан ҳайратини яшира олмайди. Оддий ўрик гулидан олам завқ туяди. Бу ҳақиқий шоирлик туйғуси бўлса керак. Монографияни ўқир эканмиз, турли таҳлилларга дуч келамиз. Давр тақозоси билан ёзилган шеърлар, давр руҳиятига мос таҳлиллар ҳам учрайди. Хусусан, Ҳамид Олимжоннинг “Россия” шеърини таҳлиliga эътибор қаратайлик (Сенинг тупроғингда улғайди таним, Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон): “Бу шеърнинг ҳар бир байти афоризм ўлароқ садо беради. Шоирнинг Россияга – осмон сингари бепоён Ватанга муҳаббати шеърнинг ҳар бир бандида - тоғ чўққиларига урилган нидодек – акс садо бериб такрорланади. Шеърнинг салобатли ички музыкаси шоирнинг закий туйғуларига улуғворлик бағишлайди”<sup>4</sup>. Бизга маълумки, академик Наим Каримов закийлиги билан танқидчиликда ўз ўрнига эга мунаққидлардан бири. Шунга қарамай, юқорида таъкидлаганимиздек, давр руҳи ижодига таъсир этмаган адабиётшунослар деярли

<sup>1</sup> <https://kh-davron.uz/yangiliklar/ulugbek-hamd-70-yillar-avlodi-sheriyati-xurshid-davron.html>

<sup>2</sup> Каримов Н. Ҳамид Олимжон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. – 247 б.

<sup>3</sup> Каримов Н. Ҳамид Олимжон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. Б – 99.

<sup>4</sup> Каримов Н. Ҳамид Олимжон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. Б – 212.

учрамайди. Олимнинг таҳлилларидан кўринадики, уруш йиллари ёзилган ушбу шеър мазмуни танқидчи томонидан юқори баҳоланган.

Танқидчи Матёқуб Қўшжоновнинг “Моҳият ва бадият”<sup>5</sup> номли китобида наср билан биргаликда шеърят масалалари ҳам таҳлилга тортилган. Хусусан, Ойбек шеърларида портрет, Шароф Рашидов шеърларида сюжет яратиш маҳорати, Қудрат Ҳикмат шеърларида тулаланиш, Раҳим Бекниёзов шеърларида ҳаётийлик каби масалаларни мукамал тадқиқ этади. “Ойбек хусусан асар қаҳрамонларининг портретларини яратишда белги-чизиқлардан унумли фойдаланади. *Гилям дўппи узра сочлари чамбар, Этиги гирчиллар чилла қоридек. Енлар шимарилган тонгдан то саҳар, Сўзида сабот бор, эл қароридек.* Бу Ойбекнинг “Раиса” шеърини кўчирилган мисралар. Бунда раиса бошидаги “гилям” дўппи, “сочларининг чамбар” қилиб боғланиши, “этикнинг чилла қоридек гирчиллаши” шеър ёзилган пайтдан (1946) ўзбек аёлининг ташқи қиёфасини кўрсатадиган топиб ишлатилган белги-чизиқчалардир”<sup>6</sup>. Танқидчи таъкидлаганидек, Ойбек ижодида қиёфа яратиш маҳорати бўртиб кўринади, умуман, барча асарларида образлар қиёфасини яққол очиб бериш аънанаси мавжуд. Аммо шеърнинг эстетик завқига тўхталадиган бўлсак, Ҳамид Олимжоннинг “Ойбек прозада шоиру поэзияда прозаикдир. У энг майда икир-чикирларни шеърда куйлай биладиган таланти шоирдир. У кишилар портрети, кўз ва кош ҳаракатларини жуда аниқ тасвирлаб беради. Шу билан бирга, унинг прозаси лирик поэзия даражасига кўтарилади. Ойбек кишининг қалбига кира олади, юракнинг нозик пардаларини чертиб ўтади”<sup>7</sup> деган қуйма фикрлари асосли. Ойбек шеърлятида воқелик биринчи ўринда туради. Тан олиб айтиш керакки, Ойбек шеърляти насриддек бадият уфуриб турмайди. Танқидчи Шароф Рашидов шеърларини ҳам чуқур таҳлилга тортган. Унинг фикрича, Шароф Рашидов Ҳамид Олимжон каби “ҳаётнинг ёруғ томонларини” куйлаган. “Яшасин севги” номли шеърда ёш шоир оғир жангларда, уйқусиз тунларда, ўқ ва снаряд тўфониди, солдат йигит ҳаёли билан бирга бўлган, унинг билан ёнма-ён турган ёр образи яратилади...*Разветкада уни кўраман, Хужум пайти мен билан юрар, Қаҳр билан олға югурар, Зафар дами уни кўраман. Бош устида ўқлар ёмғири, Кўз олдимда ажал кўраман, Бош устида ўқлар ёмғири, Ёрим шунда намоён бўлар, Ўлим эмас, ҳаёт кўринар.*”<sup>8</sup> Танқидчи қайд этганидек, йигитнинг ҳаёлини банд этиб, уни ҳаётга муҳаббатини ушлаб турган ягона ўтинч бу ёр образи. Аммо бу юқорида айтганимиздек, 80-йилларга хос талқиндир. Аслида, шоир уруш йилларида аскарлар кайфиятини кўтарувчи ва уларни овутувчи мавзудаги долзарб шеър яратишга интилган. Яъни бу шеър жамият талаби билан ёзилган ва ундан ватанпарварлик, гўзаллик, эстетик завқ туйиб бўлмайди. Шеър фақат урушда қатнашган ва ун ҳис этган аскаргагина завқ бера олади. Шоирнинг танқидчи томонидан таҳлил қилинган “Жангчи” номли шеъри ҳам юқоридаги хулосаларимизни

<sup>5</sup> Қўшжонов М. Моҳият ва бадият. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – 230 б.

<sup>6</sup> Қўшжонов М. Моҳият ва бадият. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б.111.

<sup>7</sup> Олимжон Ҳ. Мукамал асарлар тўплами. 10 томлик. 6-том. – Тошкент: Фан, 1982. –Б. 280-281.

<sup>8</sup> Қўшжонов М. Моҳият ва бадият. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б.117.

айтишга ундайди. “Йиллар ўтар, асрлар ўтар, Жангчи номи бўлар доим ёд..Шу мард жангчи ўтган элларда, Порлоқ ҳаёт бўлажак бунёд. Шоир бу мисраларни битар экан, бундан ўттиз йил илгари ҳаётнинг бугунги кунини ҳамма жиҳатдан, унинг бутун жамолини, бор маъносини, ҳали унча аниқ бўлмаган йўналишини кўриб тургандек ҳис қилади ўзини”<sup>9</sup>. Таҳлилда айтилганидек, шоир воқеаларни хаёлан чизган. Бизнинг фикримизча, ҳақиқатан, жангчи ўтган эллар порлоқ бўлиши мумкин, шу билан биргаликда вайрон ҳам бўлиши табиий. Бундан кўринадики, тарихий ҳақиқатга кўра, жанг бўлган жойда, албатта, қон тўкилади, вайрон бўлади. Шунингдек, ҳар бир жангчининг номи хотираларда қолавермайди. Демак, бу аскар руҳиятини кўтарувчи ва уларни жангга сафарбар этувчи бир чақириқ ҳамда реалликдан анча узоқ ёзилган шеър, деб ҳисоблаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қўшжонов М. Моҳият ва бадият. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
2. Каримов Н. Ҳамид Олимжон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. Б – 99.
3. Akhmadjonova, O. A. (2021). Symbolic And Figurative Images Used In The Novel “Chinar”. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(03), 389-392.
4. . Oripova, G. M., Akhmadjonova, O. A., Kholmatov, O. U. U., & Muminova, T. S. (2022). INTERPRETATION OF MOTHER IMAGE IN LITERATURE. International scientific journal of Biruni, 1(2), 304-309.

### REFERENS:

3. Jo‘rayev, H. A., & qizi Maxamadjonova, S. R. (2022). SHEKSPIR TRAGEDIYALARIDA AFORIZMLAR. INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING, 1(7), 452-454.
4. Dehqonova, Maxsuma, & Qosimov, Iqboljon (2022). OYBEK DOSTONLARIDA MAVZULAR XILMA-XILLIGI VA OBRAZLAR TASVIRI. International scientific journal of Biruni, 1 (2), 317-322.
5. Dehqonova, M. S. (2020). OYBEK’S POETRY THROUGH ANALYSES OF REPRESENTATIVES OF OYBEK STUDIES SCHOOL. Theoretical & Applied Science, (2), 13-17.
6. Axronkulovna, J. M. (2018). Feelings of Artistic Expressions and Admittances. ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies, 7(6), 80-83.

<sup>9</sup> Қўшжонов М. Моҳият ва бадият. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б.118.

7. Axronkulovna, J. M. (2018). Feelings of Artistic Expressions and Admittances. ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies, 7(6), 80-83.
8. Jurayeva, M. KESIM VAZIFASIDAGI UNSURLARNING KVALIFIKATIV SINTAKSEMALARGA AJRATIB TAHLIL QILISH. Проблеми та перспективи розвитку науки на початку третього тисячоліття у країнах Європи та Азії, 116.
9. Inomov, S. (2022). UBAYDIY-RUBOIYNAVIS. OLIY VA O 'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI FARG 'ONA DAVLAT UNIVERSITETI, 466.
10. Жўраев, X., & Қосимов, А. (2022). 16. Хамидов Миролимбек Мансур ўғли, Сабирдинов Акбар Гафурович, X. Жўраев, Орипова Гулноза Муродиловна, & СА Хўжаев.(2022, May 1)." ҚАЙҒУ ГУЛИ" ЁХУД ИЖОДКОР СИЙРАТИГА САЙР. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6523688>. OLIY VA O 'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI FARG 'ONA DAVLAT UNIVERSITETI, 435.
11. Jo'rayev, H. A., & qizi Maxamadjonova, S. R. (2022). SHEKSPIR TRAGEDIYALARIDA AFORIZMLAR. INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING, 1(7), 452-454.
12. Dehqonova, Maxsuma, & Qosimov, Iqboljon (2022). OYBEK DOSTONLARIDA MAVZULAR XILMA-XILLIGI VA OBRAZLAR TASVIRI. International scientific journal of Biruni, 1 (2), 317-322.
13. Dehkonova, M. S. (2020). OYBEK'S POETRY THROUGH ANALYSES OF REPRESENTATIVES OF OYBEK STUDIES SCHOOL. Theoretical & Applied Science, (2), 13-17.
14. Fayzullajon o'g'li, T. O. (2022). "SHAVQI GULISTON" ASARI MATNINING TUZILISHI. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI, 2(10), 192-195.
15. Fayzullajon o'g'li, T. O. (2023). "GULISTON" DAGI "FE'L MASDARI+GEREFTAN" MODELLI FE'L SHAKLLARI BORASIDAGI NAZARIY QARASHLAR. THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH, 2(16), 149-152.
16. Fayzullajon o'g'li, T. O. (2023). Ҷ(BE) ПРЕФИКСИ+ ИСМ+ YORDAMCHI FE'L MODELIDAGI QO 'SHMA FE'LLAR XUSUSIDA. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(11), 382-386.
17. Odiljon o'g'li, U. D. (2023). ADABIYOTSHUNOSLIKDA ADABIY TANQIDIY MAQOLALARNING AHAMIYATI.
18. Odiljon o'g'li, U. D. (2023). ADABIY ASAR QAHRAMONI TALQINIDAGI O 'ZIGA XOSLIKLAR. IQRO, 2(2), 777-785.
19. Sayidolimov, J. B. O. G. L. (2023). AGIOGRAFIK OBRAZLARNING MAZMUN-MOHIIYATIDAGI EVRILISHLAR. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(3), 1318-1322